



# Тошкент ХАКИКАТИ

РўЗНОМА 1928 ИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИКА БОШЛАГАН



Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси


1991 йил 21 сентябрь • шанба  
№ 184 (10.180). Баҳоси 10 тийин.



● Урта Чирчиқ районидagi Ким Пен Ха номли жамоа хўжалиги пахтакорлари йиллик режани 15 иш кунда бажаришга аҳд қилганлар. Шунинг учун ҳам вилоятда биринчилардан бўлиб терим машиналарини далага олиб чиқдилар. Биринчи кунёқ 22 та терим машинасининг билмай ишлади. Хирмонга дастлабки бункерлар ағдарилди. «Оқ олтин» юкланган карвонлар эса хўжаликда янги қурилиб, ишга туширилган пахта тозалаш заводига жўнатиляпти.

Суратларда: (юқоридачапдан) терим машиналари пахта далаларида: хирмон бўй чўзмоқда; илғор механизатор Бекмурод Тошбоев; янги ҳосил тозалари.

Сураткаш А. МАЛЬЦЕВ.



## 80 ФОИЗИ МАШИНАЛАРДА ТЕРИЛАДИ

ЯНГИЙЎЛ ноҳиясидаги «Ленинизм» жамоа хўжалиги аъзолари 690 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилишган. Пахтакорларнинг эрта баҳордан буён қилган меҳнатлари зое кетмади. Аҳдга яраша ҳосил тўпланди.

— Эндиги вазифа мавжуд ҳосилни нобуд қилмай йиғштириб олишдан иборат, — деди бошқарув раиси Ю. Толипов. — Давлатга сотилдиган ялпи ҳосилнинг 80 фоизини, яъни 1600 тонна пахтани зангори кемалар ордамида йиғштириб олишни кўзлаганмиз. Т. Турдиева, А. Абдураимов, А. Уринбоев, А. Усаров бошлиқ бригада ва звеноларнинг аъзолари машиналарда 85—95 фоиз пахтани териб олишни режалаштирганлар. Хўжаликда 14 та терим машинаси бор. Мавсумга вақтида шай қилиб қўйилган. Ҳисоб-китоблар мавжуд ишчи кучи ва техника воситаларидан унумли фойдаланилса, четдан ҳашарчи жалб қилишга зарурат йўқлигини кўрсатмоқда.

Хўжалик бошқаруви механизаторлар ва теримчиларга ҳақ тўлашни Ўзбекистон республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида амалга оширишни кўзда тутган. Теримда қатнашаётганларга қулай шарт-шароитлар яратилган. Кундан кунга ўзаро мусобақа авж оляпти.

Х. МИРЗАЕВ.



[Давоми 2-бетда].

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ЙЎЛИ БОР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Аввал хабар берилганидек, 18 сентябрь кунин Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов журналистлар билан суҳбатлашди. Унда асосан чет эл мухбирлари, шу жумладан Американинг «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда айтилган фикрларни «Известия» рўзномаси бузиб кўрсатганлиги тўғрисида гап борди.

Суҳбатда республика ва марказий рўзномаларнинг вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, шунингдек «Вашингтон пост» газетасининг, «Озодлик» радиостанциясининг мухбирлари ҳам қатнашдилар.

Матбуот ходимлари билан учрашув битта масалага бағишланиб ўтказилмоқда, — деди И. А. Каримов. — У ҳам бўлса, бугунги «Известия» газетасининг биринчи саҳифасида «Президент ўз республикасини демократияга тайёр эмас, деб ҳисобламоқда» деган сарлав-

ҳа остида берилган мақола ҳақида гаплашиб олмақчи эдим.

Бу мақолани «Известия» рўзномасининг шу йил 14 сентябрь сонидан эълон қилинган Валерий Вижитовичнинг «Ўзиб қўйилган вагон» сарлавҳали материалнинг давоми деса бўлади, чунки бу иккала мақола бир-бири билан узвий равишда чамбарчас боғланиб кетган бўлиб, айни бир мақсадни кўзлайди.

Ҳа, шундай. Бугунги мақола ҳам тўқиб чиқарилган турли-туман уйдирмалар билан суғорилган, унда фактлар бузиб кўрсатилган. Бундан мақсад ўз мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистон Жумҳуриятининг обрўсига қандай бўлмасин доғ туширишдан иборат.

Масалан, унда Ўзбекистон Президентининг айтган гапларини, уларнинг мазмунини ҳам, мақсадини ҳам ўзгартириб, кераксиз, ноурин фактларни ишлатиб, Ўзбекистоннинг мустақил жумҳурият бўлишига асос

йўқ, унинг мустақиллиги бугунги кунда, бугунги шароитда керак бўлмаган нарса, бунақа мустақиллик ҳеч кимга зарур эмас ва республикамиз халқлари, асосан ўзбек халқи учун бундай мустақиллик керак эмас, деган фикрларни тикиштиришга ҳаракат қилинган. Умуман айтганда, одамларнинг мустақилликка бўлган муносабатини қандайдир йўллар билан чағитишга, ана шу масалаларда ўз қарашларини кишилар онига сингдиришга ҳаракат қилинган.

Мақолада Ўзбекистон Президентининг «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги материалларида баёқ қилинган бир қатор асосли фикрлари ўз аксини топмаган. Улар атайлаб тушириб қолдирилган. Масалан, мақолада «Ўзбекистон Россия Федерацияси ва Украинадан кейин СССРдаги учинчи республикадир. Лекин у энг қашшоқ республика бўлиб, экономикаси пахта хом ашёсидан келадиган даромад-

гагина қараб қолган ва унинг йиллик даромади, жон-бошига ўртача қарийб 1200 сўм (2160 доллар)ни ташкил этади. Бу эса мамлакатдаги ўртача даромаддан икки марта камдир», деган жумлалар ташлаб кетилган. Мақолада, шунингдек, менинг: «Урта Осиё ва Ўзбекистон ўз хусусиятларига эга, биз ўзимиз танлаган йўлдан борамиз, жазавога тушиш ва нарх-навога бутунлай эрк бериш бизнинг шароитимизга ҳеч қандай наф келтирмайди» деган гапларим атайлаб чиқиб ташланган. Бундай мисолларни яна айтишим мумкин.

Ўзбекистон Президенти суҳбат чоғида ана шу чалкаш мақола юзасидан «Известия» рўзномасининг раҳбарияти билан сўзлашиб, унга ўз норозилигини баён қилганлигини, рўзнома бош муҳаррири бу масалани албатта синчиклаб ўрганиб чиқишини айтганлигини таъкидлади.

И. А. Каримов шуни алоҳида айтиб ўтдики, ҳар қандай мамлакатнинг ва ҳар қандай республиканинг мустақиллиги уларнинг ички ишидир, албатта. Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ, ҳар бир республика ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгадир.



## • Пиру-бадавлат оилалар



**МИРЗААХМАД** ота Ҳаитбоевлар хонадонини Бўка районида яхши билишади. Оила соҳиби узоқ йиллар давомида «Партия XX съезди» жамоа хўжалигига бошчилик қилган.

Рўпарамда оқ-сарик юзли, кўзлари мулойим боқувчи, гаплари ҳали ҳам дадил ва тетик қария ўтирибди. Улар билан суҳбатлашар эканман, ўзимча ўйга толаман. «Наҳотки Мирзааҳмад ака 75 ёшга кирган бўлса, кўринишидан анча ёш кўринади. Лекин йиллар барибир ўз таъсирини ўтказибди. Ҳар қанча ўзини дадил тутишга ҳаракат қилмасин, юриш-туришида илгариги кескинлик, дадиллик ва шахдамлик анча сусайгандай.

Суҳбатимиз уруш йиллари ҳақида боради.

Мирзааҳмад ака урушнинг энг қизғин пайти — 1942 йил 21 июнь куни ҳарбий хизматга чақирилди. Кўшинлар бутун фронт бўйлаб чекинаётган, жангчиларнинг руҳи ҳам шунга яраша эди. У немисларнинг олдинги қисмлари билан Моздек шаҳрида рўбарў келди. Уч ой тинимсиз чекинишлардан сўнг, душман ниҳоят тўхтатилди ва дастлабки қарши ҳужумлар уюштирилди. Кейинчалик у Грозний, Черкасск, Армавир шаҳарларини озод қилишда қатнашди. Урушнинг дастлабки кунидан Мирзааҳмад ака олдинги сафда туриб жанг қилди. Чунки у хизмат қилган сапёрлар батальони ҳар доимгидай ҳужумда энг олдинда, чекинишда эса энг охирида юрарди. Мохир жангчи урушни Кавказорти ўлкасида бошлаб, ғалабани Калинин-

# ҚЎША ҚАРИШ БАХТИ

град шаҳрида кутиб олди. Жанговар хизматлари учун у икки марта Қизил Юлдуз ордени, II даражали «Ватан уруши» ордени, саккизта медал билан тақдирланди. Кавказорти ўлкаси, Крим ярим ороли, Беларуссия, Болтиқбўйи республикалари, Калининград шаҳрини озод қилишда фаол қатнашди.

Солдатлар немис-фашистлари устидан қозонилган ғалаба нашидасини суришга улгурмай, кўплар қатори Мирзааҳмад акалар полки ҳам Узоқ Шарққа жўнатилди. Лекин йўлдаёқ урушнинг тугаганлиги хабарини олишди ва Калинин вилоятида қолиб, сентябрь охирида қолгани учун деҳқонларга бугдой ҳосилини йиғиб олишда ёрдам беришди.

Ана шундай қийинчиликлардан кейин 1947 йили жонажон қишлоғига қайтиб келди.

Жанг суронларида, ўзга юртларда юриб она юртини, жонажон диедини соғиниб қолган экан, тезда ишга киришиб кетди.

Икки-уч йил солдатлик шинели, кирза этик, гимнастёркада ишлаб юрди. Урушдан кейинги йилларни Мирзааҳмад ака афсус-надомат билан эслайди.

— Тонг сахардан қоронғига чашмасан ҳам тўйиб оқатланмасдик. Лекин мени ҳанузгача ҳайратлантирган нарса, одамлар ўртасида ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат беқиёс эди. Бировнинг ҳақиқа хизнат қилиш, ўзгалар мулкига кўз олайтириш беномуслик ҳисобланарди. Қийинчилик, очарчилик, юпунлик кишиларни бир-бирига меҳрибон қилиб қўйганди.

Ҳозирги тўқ ва фаровон заминда айрим одамлар ўртасида меҳр-оқибат кўтарилаётганини кўриб баъзан ажабланасан, киши.

1949 йили Мирзааҳмад акани жамоа хўжалиги раислигига сайлашганда ҳам солдатлик гимнастёркасини ташламаган эди. Уруш даврида иқтисодий аҳволи ёмонлашган қишлоқларда иш олиб бориш осон

эмасди. Кеча-кундуз демай ишлашга тўғри келди. Шундай пайтлар бўлардики, ҳафталаб уйга келмасди. Жамоа аъзолари билан ҳамжиҳатликда бир жон, бир тан бўлиб ишлаш натижасида хўжалик йил сайин юксалиб борди.

Мирзааҳмад ака ҳар доим одамларга ғамхўрлик қилишни биринчи даражали вазифа деб биларди. Шунинг учун ҳам унга мурожаат қилган ҳар бир жамоа аъзоси раиснинг ҳузуридан қониқиш билан чиқарди.

Отахон хўжаликка салкам 40 йил раислик қилди. Бу айтишга осон. Утган йиллар давомида шундай ишлар қилиндики, ёзса катта тарихий китоб бўлади. Энг муҳими, у халқдан ажралиб қолмади, аксинча доимо кўпчилик билан бирга бўлди. Қувончли кунларни ҳам, ташвишли кунларни ҳам улар билан баҳам кўрди.

Мана умр ҳам оқар дарё каби шитоб билан олға кета-

япти. Мирзааҳмад ака ўтган кунларига ачинмайди. Қишлоқда тикланган ҳар бир мактаб, боғча, ҳаммом, чойхона, касалхона ва ўнлаб турар-жой биноларини тиклашда унинг бевосита хизмати бор.

Мирзааҳмад ака ўзгалар чехрасида қувонч кўрса, ўзида йўқ мамнун бўлади. Бировларни хомуш кўрса иложи борича ёрдам бергиси, мушкулени осонлаштириш йулини қидиради.

Бундан тўрт йил илгари 71 ёшида раисликдан бўштирилганини сўраб ариза берди. Бунга кўпчилик қарши эди, лекин отахон ўз сўзида маҳкам туриб олди.

Раисликка шогирди Баҳром Пайшановни тавсия этди. Лекин у ҳозир ҳам жамоа ишидан ажралиб қолгани йўқ. Айни кунларда ҳам бирор тадбир Мирзааҳмад аканинг иштирокисиз ўтмайди. Қишлоқдаги тантанали кунларда, маросимларда у ҳамisha бошқош.

Мирзааҳмад ака Зулфия ая билан 7 мафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Уларнинг ҳаммаси уйли-жойли, оилали. Бу оила бағрида 30 дан ортиқ жажжи неваралар тарбия топишмоқда. Катта ўғли Муҳаммаджон ва тўнғич кўеви Саттор — фан номзодлари, олий билим даргоҳида фаолият кўрсатишяпти. Фарзандларидан Тожи врач, Санобар, Гулчеҳралар муаллима, ўғиллари Шавкат бош ҳисобчи, Ҳоҳиржон доришунос. Бошқа келин-кўевлари ҳам ҳаётда ўз ўринларини топишган.

Мирзааҳмад аканинг ўнлаб шогирдлари бугунги кунда жумҳуриятимизнинг турли бурчакларида хизмат қилишмоқда. Унинг дастлабки шогирдларидан Уроз ака Жарқинбоев 30 йилга яқин жамоа хўжалигига раислик қилиб ҳозирги кунда қарилки гаштини сураяпти. Пискент, Оржоникидзе, Бўка ноҳияси Кенгашларнинг раислари Турсумат Холбоев, Абдусаммад Носиров, Қодиржон Элчибоев, Бўка район ижроия комитети раиси Раҳмон Саидов, давлат ва жамоа хўжаликларини бошқараётган Деҳқонбой Султонов, Абдурашид Абдувалиев, Абдували Холжонбоев, Комил Дўсмаатовлар ҳам отахоннинг шогирдлари ҳисобланади.

Мирзааҳмад ака Ҳаитбоев бошчилик қилган хўжалик Тожикистон жумҳурияти чегарасида жойлашган. Шунинг учун ҳам отахоннинг қўшни жумҳуриятда ўнлаб шогирдлари ва дўстлари бор.

Бўка райони меҳнаткашлари узоқ йиллардан буён Тожикистоннинг Бўстон, Хўжанд, Нов, Уратепа, Ғончи, Зафаробод районлари билан дўстона алоқалар боғлаб келишади. Мана шу алоқаларни ўрнатишда Мирзааҳмад аканинг алоҳида хизмати, ўз ўрни бор.

Мирзааҳмад ака 75 ёшлик, Зулфия ая 70 ёшлик ва биргалликдаги кечирган ҳаётларининг 50 йиллик олтин тўйларини нишонлаётган эканлар, қўша қариш бахтига муяссар бўлган бу табаррук кексаларга чин юракдан умрбоқийлик тилаймиз.

Э. ЙУЛДОШЕВ,  
Бўка райони.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ЙЎЛИ БОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республика мустақиллиги ва унинг СССР таркибидан чиқиши Иттифоқ шартномаси ҳамда мустақил давлатлар шартномаси лойиҳасида айтиб ўтилган туб масалалардан бири эканлиги эслатиб ўтилди.

Республикамиз Олий Кенгаши мустақиллик декларациясига амал қилиб, жумҳуриятимизнинг давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси таш-

кил этилганлигини тантанали равишда эълон қилди.

Республика Президенти журналистлар эътиборини иқтисодий шартноманинг аҳамиятига ва ана шу шартномани имзолаш зарурлигига қаратди. У ҳар қандай шароитда таркиб топган иқтисодий алоқаларни сира ҳам узмаслик кераклиги, иқтисодийёт бугунги кунда барчага ҳаводек зарур эканлиги тўғрисида гапирди.

Ўзбекистоннинг ўз йўли бор, — деди суҳбат давомида И. А.

Каримов. — Бу йўл—мустақиллик йўли, бирдан-бир тўғри йўлдир. Ана шу танлаб олинган йўлдан орқага қайтиш йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда ҳудудий бирлигини ҳимоя қилиш мақсадларида республикамизда мудофаа ишлари вазирлиги ва миллий гвардия тузилганлиги,

унинг вазифалари тўғрисида гапирилди.

Республика аҳолиси турмуш шароитларини яхшилаш, ўқитувчилар тўғрисида янада кўпроқ ғамхўрлик қилиш, уларга қулай имкониятлар яратиб бериш, ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг билимдон бўлишларини таъминлаш, иқтисодий йиғит-қизларни илм олиш учун ҳорижий мамлакатларга ўқишга юбориш, шунингдек кўп-партиявийлик, халқлар ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш, бу борада оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш сингари масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

И. А. Каримов жаҳон мат-

буоти зўр таъсир кучига эга бўлиб, биз ана шу матбуот орқали ўз сиёсатимизни дунё миқёсига олиб чиқишимиз, чет мамлакатлар билан бу соҳада мустақам алоқа боғлашимиз кераклигини, шу мақсадда Ўзбекистон ахборот агентлиги ишени кучайтириш лозимлигини, бу агентлик бундан буён мустақил ташкилотга айланиб, унинг чет мамлакатларда ҳам ўз мухбирларига эга бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов журналистларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб берди.

Т. БОТИРБЕКОВ,  
ЎзТАГ мухбири.



Каром опанинг дафн маросимида қорахтойликларнинг деярли ҳаммаси қатнашди. Одамлар шундай олижаноб аёлнинг қотил қўлида ҳалок бўлганлигини афсусланиб гапиришарди, номард Абсатторга лаънат тошларини отишарди...

...Уша куни Каром опа кўнгли ғаш бўлиб уйғонди, бирор нохушлик бостириб келаётганлигини сезди. Кўёви Абсаттор ювинаётиб, унга гезариб қарагандек туюлди. У бир неча кундан бери бошқача бўлиб қолган. Бир ҳафта олдин турмуш ўртоғи Ойниса, унинг сингиллари Зарима, Умринисо, Каром опалар билан жанжаллашганди. Андишасиз кўёвнинг талаби битта эди: қайнонаси қайнсингилларини олиб уйдан чиқиб кетсин, уй фақат Абсатторга тегишли!

— Бу уйда поччамнинг ҳеч қандай ҳаққи йўқ эди, — деди суд мажлисида Умринисо Бозоралиева. — У илгари ҳам жиноий ишга қўл уриб, қамалиб кетган эди. Шу пайтда онам бу хонадонни ўз пулига сотиб олгандилар. Поччам қамоқда эканлигида опамлар ёш бола билан қийналганларидан сўнг, онам опамни ҳам бу ерга кўчириб келтирдилар. Орадан бир неча йиллар ўтгач, поччам жазо муддатини ўтаб келди. Хотини шу ерда бўлгани туфайли биз билан бирга яшай бошлади, эндигина турмадан келди, ҳали кўёвнинг қўли калта, ишлаб пул топса, зора кейинроқ ер олиб, уй қуришса, дея онам ҳам поччамнинг биз билан туришига қаршилик қилмади. Судда бу фикрларни бошқа гувоҳлар, қўни-қўшнилар ҳам тасдиқлашди...

...Абсаттор чиқиб кетди. Каром опанинг кўнгли хижиллиги кун бўйи ёзилмади. Эшакка мугиз битса эгасини сузади, дегани шумикан, сугидан олдин ақли тўзмай қолсин, дўппи кийган ҳар бошини одам деб бўлмас эканда, ўйлади Каром опа. Ҳаммаси кечга томон Абсаттор ишдан келганидан сўнг бошланди.

Кўёв ишдан келиб ўз хонасига кириб кетди. Ойниса олиб кирган чойга қарамади ҳам, Кайфи бор эди. Абсаттор бироз ётди. Ким билди, у бу пайтда нималарни ўйлади экан. Май-шайтон, у кишининг ичига кирса нағма кўрсатади. Ўрнидан турди. Ойнисага қаттиқ тикилди...

Қамоқдан келганига икки йилдан ошяптики, бирон ерда ёлчитиб ишламайди, худонинг берган куни — маст-Унинг турткиси, тепкисини

Абсаттор уни яна пичоқлади. Ҳовлидаги шовқин Умринисони сергаклантирди. Югуриб ховли томонга чиқди-ю, ерда ётган икки қонли гавдани кўриб, турган ерида қотиб қолди. Одам темир эмас, иродаси ўзига бўйсунмай қолган пайтлар ҳам бўлади. Умринисо жаҳл устида поччасига улоқтириш учун нарса излади. Аммо

дан кейин ботир кўпайди: ушла қотилни, мелисага чоп, отиш керак уни, отасининг ҳам қўли бор бунда! Нега керак энди бу гаплар? Ҳеч бўлмаганда уларнинг бири илгарироқ бохабар бўлганида балки бу қонли фожиа бўлмасмиди. Қўшнилари Абсатторнинг одатларини, шахсини яхши билишарди-ку?!

— Шунча одамни қонга белаб, нега қочиб кетдингиз, ахир нариги хонада сизнинг ёш гўдақларингиз бор эди-ку? Абсаттор ерга қаради, жавоб беролмади аввал, сўнг «Қўрқдим», деди аста. Суд мажлисида вилоят суди аъзоси Қобилжон Убайдуллаева ҳам осон бўлмади. Абсаттор Урмонов гоҳ ўзини жинниликка солар, гоҳ кимларнидир бу ишга алоқадор қилиб кўрсатмоқчи бўларди, мажлис аҳли эса Қобил Одиловичнинг ҳар бир сўзи, ҳаракати, босиқлик билан ўзини тутшини кузатиб туришарди. Охири сўзингиз, — илтимосингиз нимадан иборат, суддан нима истайсиз? — Бу Қобил Одиловичнинг судланувчидан сўнгги сўроғи эди.

— Болаларим бор... — Абсатторнинг бўғиздан бошқа сўз чиқмади. Шу пайт ёнимда ўтирган Каром опанинг қўшниси Комил ака секин пичирлади: шахс тубан бўлса унинг касофати зуредга уради, зуредга урмаса, бошқаларга уради. Агар бу очикда қолганида, билмадим, болаларнинг тақдири нима бўларди, юртчилик, болалар кўчада қолмайди, бировлардай уни ҳор қилдирмаймиз...

Суд маслаҳатга кириб кетди. Мен ҳукми кутаётган кишилар билан гаплашдим.

— Ҳаётда ўз ўрнини топиш осон, аммо уни эгаллаш қийин экан, болам, — деди бир отахон. — Ўзагингни ўзингизники узади дегани шу бўлади.

— Отиб юборармикина? — деди яна бири. — Абсаттор ҳали ёш экан, йигитлиги турмада ўтадиган бўлди. — Туринглари, суд келаяпти!

Ҳукм ўқилди. Абсаттор Урмоновга қаттиқ режимида ўтказиш учун 14 йил қамоқ жазоси берилди. Унинг беш йили ёлғиз камёрада ўтказилади. Одамлар вилоят суди ҳукмини қониқиш билан, қотилликка берилган адолатли жазо сифатида кутиб олдилар.

Мўйини ҚАЮМОВ,  
«Тошкент ҳақиқати»  
нинг жамоатчи муҳбири.

• Суд ҳукмидан сўнг



Номард куёвнинг қабих қилмишлари хусусида

еб умри хазон бўлаяпти. Носуд чавондоз отини, ёмон эр хотинни қаритади, деганлари шу бўлса керак.

У хотинига ўқрайди ва... тўсатдан:

— Ҳозир тўртвингни ўлдириб, уйга ўт қўйиб кетаман, — деди. Ойниса бунга аҳамият бермади. Аммо энди эрининг важоҳати киши қўрқадиган даражада эди. Абсаттор Ойнисани судраб ҳовлига чиқди ва тўсатдан унинг елкаларига, кўкракларига пичоқ санчий бошлади. Ҳовли қонга бўялди. Аёл беҳол қичқирди. Опанининг овозини биринчи бўлиб Зарима эшитди. Отилиб ҳовлига чиқди. Бу пайтда қонга беланган Ойниса ҳовлидаги цемент устида беҳуш ётарди. Зарима опасини кўтармоқчи бўлганида Абсаттор унга ҳам ташланди ва кўкрагига икки марта пичоқ қадади, энди Зариманинг ўзи қалқиб ерга ағдарилди, бу ҳам етмагандай

унинг ёнида пайдо бўлган Абсаттор қўлидаги қонли пичоқни бу қайнсингисига ҳам икки-уч марта санчий олишга улгурди. Кўз олдингизга келтиринг, ҳайхотдай ҳовлида учта қонли гавда чўзилиб ётибди. Ҳаммаёқ қип-қизил қон. Орқа ҳовлида юмуш қилаётган Каром опа беҳос ҳовлига кирди-ю, хушидан кетди. Қўзлари қонга тўлган Абсаттор бир ҳамла билан қайнонасининг бўйнига пичоқ тортди. Абсаттор Урмонов уйдан чиқиб қочди, тўғри Тут қишлоқнинг Оқ тепасидаги отаси Урмонов Саломнинг хонадонига борди. Уни шу ердан ҳибсга олдилар.

Ким билсин, агар қўшниси Қурбонали Носиров воқеадан барвақт воқиф бўлиб, дўхтирга хабар қилмаганида нималар бўларди бу хонадонда. Қўни-қўшнилар чиқшиди...

Қилғиликни қилиб қўйган Абсаттор қочиб кетгани

Яланғоч одам сувдан қўрқмайди! Абсаттор — инсофдан айрилганлигини маҳаллада ҳамма биларди. Ҳатто баъзилар унинг бу қилиқларини суд мажлисида ҳам тилини бир қарич қилиб гапиринди.

Дарвоқе, суд мажлиси. Одамлар бу мажлисни узоқ кутишди. Бунга сабаблар бор эди. Дўхтирларнинг кўрган шовқин чоралари, маҳоратлари, айниқса, моҳир жарроҳ — Охангарон ноҳия марказий касалхонаси бош врачининг биринчи муовини Аъзамжон Мирсидиқовнинг мақтовга арзирли ҳаракати билан Ойниса, Зарима, Умринисоларнинг ҳаётлари сақлаб қолинди. Каром опа эса бу кунга етолмади. Қотил куёвнинг қонли панжасидаги тиг биринчи зарбаёқ уни адоий-тамом қилган эди.

Судда Тошкент вилоят судининг аъзоси Қобил Убайдуллаев қотилдан сўради:

БЕКАТДАГИ  
ЎЙЛАР

Бекатда ўнинчи автобусни кутиб, уч киши суҳбатлашиб тургандик. Шу пайт қўшни автобусдан нолик қўллари билан чақалоғини бағрига босган ёшгина жувон тушиб кетди. Шунда ҳамроҳимиздан бири:

— Бу қиз ана шу маҳалладаги уйлардан бирида туради, мен уларни яхши танийман. Ота-онаси мактабни тугатган йиллик турмушга бериб юборишган, сўнг ҳомиласи билан отасиникига қайтиб келган...

Бехтиёр ўйга толамыз. Ҳа, янги оиланинг пайдо бўлиши ҳам киши, ҳам жамиятимиз ҳаётида катта воқеа. Унга сира бепарво қараб бўлмайди. Оилавий муҳит жамиятимиз равангига катта таъсир кўрсатади.

мактабда кўп йиллардан буён ўқитувчилик қилиб келадилар. Исми-шарифлари Турсун Азлархонов. Маҳалладагилар ҳурмат билан домла деб мурожаат қилдилар. Ҳеч тиниб-тинчимайди. Ёшларга дарс бериш билан биргаликда турли рўзномалар билан ҳамкорлик қилади, халқ театрида ёшларга қўшнилик, роллар ижро этади. Шу йилнинг 25 апрелда домла мени уйларига таклиф қилиб қолдилар. Бир даста гул кўтариб бордим. Адаммаган эканман. Шу куни домланинг Муҳтарамхон билан турмуш қурганларига роппа-роса ўттиз беш йил тўлибди. Меҳмонлар уларни самимий табриклашди.

Ҳаёлимизга яна чақалоқ кўтарган бояги жувон келди. Нега бугунги ёшларимиз бунчалик енгил-елпи бўлиб кетишди? Бу савол бизга ҳамон тинчлик бермайди.

ТАҚДИР

— Бахтиёр, тур ўғлим, боғчага кечкамиз, — Холмат ака ўғлини қўллари

дан тортиб уйғотди. У кўзини очгач кўтариб, эркалатди. Дераза ёнига олиб келиб, ташқарини кўрсатди. — Хув, ана, боғчангни кўряпсанми? Уртоқларинг сени кутиб қолишганга ўхшайди, меҳ сени ўша ерга олиб бориб, сўнг ишга кетаман. Кечкурун яна бирга қайтамиз.

«СССР 50 йиллиги» номидаги Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмасининг 19-пехида меҳнат қилиб келаётган Холмат ака Ортиқов ўзининг ҳар кунги ҳаётини ана шу тарзда бошлайди. Уч ёшга тўлиб қолган ўғли Бахтиёрни боғчага олиб боради, олиб келади. Ҳамма тарбия ишларини бир ўзи бажаради.

Холмат ака Марғилонда ўсиб, улғайган. Энди олти ойлик бўлганида онаси «менга бунақа инжиқ бола керакмас», деб Холматни ташлаб кетди. Отаси Ғани ака бошқа бир аёлга уйланиб олди. Кейин ичкиликка берилиб, ўғлини ўз ҳолига ташлаб қўйди. Угай онаси бояқиш болани ҳар куни урар, яхши бўлсанг онанг ташлаб кетармиди, дерди. Кичкина Холмат бир неча

март уйдан қочмоқчи бўлди. Лекин ҳар сафар қўлга тушиб, угай онасининг қаҳрига дучор бўларди.

Кечалари ўзининг онасини эслаб узоқ йиғлар, кўзларида ёш билан ухлаб қоларди. Тушларида нотаниш меҳрибон аёл уни эркалар, мен сенинг онангман, деб уни юпатарди.

Холмат саккизинчи синфни битириб, тракторчиликка ўқиди. Мирзачўлда ишлади, шу ердан ҳарбий хизматга бориб келди, У Мирзачўлда ишлаётганида Қибрайдан қариндошлариникига меҳмон бўлиб келган Меҳринисо исмли қиз билан танишиб қолди. Икки ёш бир-бирига кўнгли қўйди. Никодан ўтишди. Кейинчалик хотинининг таклифи билан Қибрайга кўчиб келди, Тошкент трактор заводига ишга кирди.

1988 йили Бахтиёр туғилди. Лекин умид билан тузилган оила мустаҳкамланиш ўрнига дарз кета бошлади.

Холмат ака афсус билан шундай деди:

— Турмуш ўртоғим турли қилиқлар чиқара бошлади. Уйга мен танимайдиган нотаниш меҳмонлар ке-

либ туришарди. Ориятим келди. Бахтиёрни кўтариб, уйдан чиқиб кетдим. Корхона ётоқхонасидан жой беринди. Ҳозир ўғлим иккимиз шу ерда яшаймиз. Яна уйланишга юрагим дов бермайди. Ўғлим менга ўхшаб етим бўлиб қолмасин, дейман. Яқинда Бахтиёр билан Марғилонга бориб қайтдик. Ўзимнинг онам тирик экан, Мени қидириб келибди. Кўп йиғлади. Аммо унга тасалли берадиган сўз айта олмасдим. Пўё олдимда мени туққан аёл эмас, қандайдир бегона тургандек эди. Эҳтимол юрагим тош бўлиб кетгандир, онам мени ташлаб кетганда Бахтиёрдан ҳам кичик эдим...

Холмат ака ўғлини авайлаб-асрайди, унга етимликни раво кўрмайди. Лекин ҳаёт давом этиши керак. Бир бевафони деб, ўзини ўзи азоб-уқубатларга гиррифтор қилаётган Холмат аканинг фикрларига қўшилмайман. У ўзига муносиб аёлга уйланса, эҳтимол ҳаёти бундан ҳам яхши бўлиб кетар, ўғлига меҳрибон она бўлар.

Шундай бўлишига ишонгим келади.  
Назулла ҲАМРОЕВ.

Турмуш чорраҳаларида





1991 йил  
АЛИШЕР  
НАВОИЙ ИЛИ



# АшКаму ва соҳибам

## Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари

**ТАНИҚЛИ** шоир Барот Бойқобилов улут ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий тўғрисидаги «Навоийнома» шеърини асари устида узоқ йиллардан бўён ишламоқда. Мазкур асарининг «Нотинч Хуросон», «Шуқудли карвон», «Сокин Хуросон» китобларида Навоийнинг болалик, ўспиринлик, йигитлик

ҳақида унинг Астрообод ҳокими бўлганига қадар кетган серташвиш ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллиф яқинда «Навоийнома»нинг сўнгги китоби — «Қонли Хуросон»ни ёзиб тугатди. Унда Хуросоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, салтанатда Навоийнинг тутган

ўрни, адабий муҳитга раҳбарлиги, меҳнаткаш халқ оmmasи манфаатини қўзлаб мамлакатда адолат ўрнатилиш учун тоlmас курашлари ҳақида фикр юртйталади. Қўйида ана шу асардан бир боbни муштарийларимиз эътиборига ҳавола этамиз.

Икки ажаб тилини бирор нажиб зот Қиёслаб берганини ким этур исбот? Энг олий кашф бу или ва фанда, Кошки зикр этилса ҳар анжуманда».  
Навоий фикрини қилиб мухтасар,  
Сўйлаб берди нечук ёзилди асар:  
«Китобнинг максуди бутунлай ўзга,  
Бир боқинида равшан кўринмас кўзга.  
Туркий исбот этди назмда ўзин,  
Энди ялмда ҳам кўрсатди сўзин.  
Баян аҳли қалам ўсмакни маҳзун,  
Форсийни туркийни қўйлар устун.  
Истамас туркийда койитмоқ жонин,  
Гармсел урғай дер янги бўстони.  
Туркийда ёзмаққа чорлайди султон,  
Ривож топсин назми туркий дер ҳар он.

Тилиблар илмга ташна ва учдир,  
Гар тилини билмаса истедод пучдир.  
Тил билган — эл билур, эл билган — ч...

Икки тилга кўприк «Мухокамату...»  
Зайнабдин Восидий гарчи толдир,  
Тенгқўрлар сабдида ўзгар, воқибодир:  
«Баҳрамад бўлмасан устод меҳридан,  
Наша топмас эдик или сеҳридан.  
Равнақ топмас эди улду мулкнингиз,  
Ҳақонин ўрғарди балли мунгнингиз.  
Гарчи ноосийни яна Хуросон,  
Устод борларки, халқ кезмас нотагон».

Содиқ шоғирларга боқиб миннатдор,  
Шоир деди, аламлири бешумор:  
«Елга сочманг ҳаёт гуллини анжор,  
Ҳанмат умрини ўтказманг бекор.  
Ҳар лаҳза қадрини билмиш муқаддас,  
Юксакроқ қўнғини қилдингиз ҳавас,  
Лафн йўқ қимсадин эришгиз йироқ,  
Илим истар қалбга ёришгиз чироқ.  
Яна бир савоб иш эди ҳосондур,  
Муруват саҳиби шариф инсондур.  
Саховатдек шоеи ҳислатини мудоом,  
Саодат билмоқни қўнғини этсин ком.  
Аммо, бу бетайин, қилар замонда,  
Ота фарзандига душман давронда,  
Бу ҳислат варағи ётар тескари,  
Бу ҳужм аксига юрар аскари.  
Йўқинли: йўлда ёмакни туртур,  
Игна қўшиб сента асми узагур,  
Ҳар кимга бир хизмат қилсанг,

Каттиқлик кўрмоққа алагани чор,  
Оқиниладан бўлсанг қимсини бир бор,  
Қўлар қаршига бўлсанг дучор,  
Бирова бир қадаҳ май берсанг шодон,  
Вадалига ютуғини шибайла қон.  
Киминки сийласанг чирраб асал,  
У сента туттос қосақлаб заҳар.  
Нусрат қизи тинки аҳли деҳқонга,  
Дон сочиб, ризқини очур инсонга.  
Меҳнатда ҳаминга ҳамдам, ҳамқадам,  
Деҳқон омон сувар нисоли Одам?..  
Бу оламнинг маъмурияти деҳқондин,  
Олам аҳли масрурияти деҳқондин.  
Миришкор деҳқонга қимсини ҳамқадам,  
Бошидан аригай муштотот ва ғам.  
Фарқда умаллини яна мудоао,  
«Девони Фойи»ни қилсанг адо.  
Неки раҳам этдим форсий забонда,  
Жамолни кўрсатгай шайхур девонда,  
Тонгласан бир газал ўл солмини жонга,  
Витдишу тиркадин ани девонга.  
Ижозат этсалар баҳам қўрайимен,  
Фойи лафзи билан ширинлар урайимен.  
Шоғирлар қаққиди: «Марҳабо,

Форсий қанотида қилганимиз парвоз,  
Навоий айтган қаддини тилиб,  
Нисон дарларидан яна очди лаб:  
«Оламе хоҳам, ки қиларди мардуми олам дур у,  
К-аз жафон мар... ми олам алобошад  
Шоир бургут эди — янаоти синган,  
Тошқин дарэ эди — янаваллари тинган.  
Қудратли шер эди — оқси, кайдармон,  
Паҳлавон эр эди — иронсол нисон.  
Офтоб эди — заиф, қолдуз сингари,  
Тонг эди — қўнсади роининг ханжари.  
Мақтага» мунгайиб сурган чоғда от,  
Гўё шоғирлардан тиради нажот.  
Қалбда чўлғаниб уинди ва ният,  
Келажак наслга қилди масият:  
«Фойи», дар ваъзи гардун чур макун ақдеша з-он-а,  
Нуктае набад, ки навобат бар хирад мубҳам дар у»<sup>10</sup>.

«Ваҳ!» дебон ҳислари олиб алапта,  
Кошки, жонин тикса ёшлар Ватанга!  
Бу газал қалбда музафас оҳанг,  
Сарбадорлар орузинга ҳамоҳанг.  
Орузли ушлаган борми бир замон?  
Орузли нисонга торини 8 ҳақон?  
Жавобсиз қолимоқда бу савол ҳамон,  
Савол берган тилини кесмоқда даврон.

Барот БОЙҚОБИЛОВ.

«Бошим кўкка етди сиз келгач,  
Дўстлар,  
Кўнгил боғи яшнаб, қувонди турди.  
Ҳар қалай, ўтмади умрин бесапар,  
Лисон маҳзанидин сочолдин гаҳлар.  
Яншига дўст бўлдим, қочдим ёмондин,  
Гоҳ қарам, гоҳ ситам кўрдим даврондин:  
«Ҳақи тоқдим фалақдин нотаволин,  
Ҳақи кўрдум замондин навролин.  
Басе иссиқ-совуқ кўрдум замонда,  
Басе ачина-чучук тоқдим жаҳонда».  
Замон тоқдек отди истаган томон,  
Отди, истади, қилди асал ичига,  
Жонини тикладилай найза учига.  
Овқдан тортилар баландга чиқсам,  
Бошимдин тендилар гар нашта тушсам.



Куним тун етдилар, жигаримен хун,  
Лек заққум ютдилар қилоймай жуви:  
«Гардун гаҳ манга жафоу душлиқ»<sup>3</sup> қилди,  
Бахтим киби ҳар ништа забунлиқ қилди.  
Гаҳ ком сари раҳнамунлиқ қилди,  
Алқисса: басе бўқаламушлук қилди.  
Ҳали навқиронсиз — бўлиқсиз кучта,  
Ўминдинга ҳали чиқмаган нучта.  
Шоҳдин йироқ турсанг — умринг бекатар,  
Қоңилар бағзини кўрма муассар.  
Роин келса шоҳга айбар — хунар,  
Маъбула нарсга унга айбон баттар.  
Вундай зот хизматин истар тентак харб,  
Ўзи ўз қўнсага ургандек ханжар.  
Ўйда арайдий шерин қай башар?  
Хосият тоғали ким елди заҳар?  
Шоҳлар хизматига ким қилса журъат,  
Ўз ҳаёт ишни узажак албат.  
Ким яқин бўлишни қилса мудоао,  
Ўлим тини кўрар ўнга раво.  
Шоҳлар қўнлишлари чақмоққа ўхшар,  
Аммо қўндини унинг муқаррар,  
Бир лаҳза бейойда ёрузлик берар.  
Тирки жондин эса қолдирмас асар.  
Чақмоқ чақиниши кўз билан кўрдим,  
Найзали асалини тил билан сўрдим».  
Сукут чўқди — барча ҳайрат наҳида,  
Сокин нафас олар ситам бағрида,  
Бир бошига солиб давроннинг гағво,  
Без бўлиб турмоқда, яна не савдо —  
Кутмоқда шоирни, қолмоқда ниҳон,  
Каззоб дойрасига ўйнайди замон.  
Веҳзондин чехраси маҳзун ва норлоқ,  
Ичида шодлигу ғамлари булоқ,  
Устод сузларидан қалон ларзада,  
Ўксиниб қўнди дардли лаҳзада.  
Шу қўйда ошқора бўламасди ҳеч.  
У, булоқ мунг билан сўламасди ҳеч.  
Яна не сивоат бўлимоқда содир?  
Олдин олмоққа эмасин қодир?  
«Устод, — деди Веҳзод, — «Мухокамату...»  
Аҳли зурафога келгайдур мақбул.

### ИЗОҲЛАР:

- 1. «Маҳбуб ул-қулуб» — доқчилик (буқаламун — мавсум ва шаронга қараб ранг ўзгариб турадиган маҳлуқ, ҳамелеон).
- 2. Тобуқ — бўйсиниш, итот.
- 3. Душлиқ — пастлик, разилик.
- 4. Раҳнамунлиқ — йул-бошчилик.
- 5. Буқаламунлиқ — ал-

- оламда одам рафосидан ғам бўлиш «ч».
- 9. Мақта — ғазалининг сўнгги байти.
- 10. Мазмун — «Эй Фойи, олам вазиати (аҳволи)ни кўп ўйлама, унда ақл ҳал қила олмайдиган ҳеч бир муаммо йўқдир».



Суратда: истедодли расом Темур Саъдуллаевнинг «Навоий ва Бехоз» асари. Сураткаш С. МАҲКАМОВ.

## «ТОПГАН ГУЛ...»

ХАЛҚИМИЗДА шундай ажойиб ва ибратли удум бор. Бу — тўйга тўёна билан бориш расми. Улур бобомиз Алишер Навоийнинг 550 йиллик санаи муборакларини нишонламоқдамиз. Мазкур фараҳли матроқани нафарат ўзбекдек бағри кенг, улкан халқ учун, балки барча туркийнавису форсийзабон, араблосону фарангфтор элу-элатлар учун ҳам катта тўй десак муволақа бўлмас. Бу оламшумул тўйга ҳар бир эл, ҳар бир элат, ҳар бир қавму ҳар бир жамоа, ҳар бир онла ва ҳар бир инсон ўз ҳоли қудрати баробарида тўёна билан келатганлиги маълум. Белгиланган хайрли тадбирларни қайта-қайта санаб ўтириш ортқча. Фақатгина бу йилги ўқув йилнинг биринчи дарс соати жумхуриятимизда «Алишер Навоий дарси» деб қайд этилиши ўзлгимиз сари дадил одимлаётганлигимизга яна бир далилдир. Шунингдек «Туркий назмда алам тортиб, бул мамлакатни яққалам» этган бобокалонимизнинг 550 йиллик маъракамизни арафасида жумхуриятимиз Мустанқиллиги эълон қилиниши ҳам ушбу тўйга тўёнадир. Тўйга тўёна билан бориш халқимизга азалий одад, дедик. Аждодлар тўёна борасида: «Топган гул, топмаган бир боғ икё келтирар», дейдилар. Мен ҳам миллионлар қаторида ўзимни Алишер Навоийнинг авлоди деб билиман. Ва бу тўйга билан жуда фахрланамиз. Шу боис улур бобом тўйлариди баҳолу кудрат ўз тўёнам билан иштирок этсам деган ниятда юрардим. Шу иштиқ туфайли Алишер Навоийнинг форсийда битилган «Девони Фойи» куллиётдан бир неча ғазал ва рубоиларни ўзбек тилига ўғирдим. Тўғри, бу ишим улур денгиздан бир томчи қадардир. Аммо «тома-тома-тома кўл бўлса» ажаб эмас... Улур мутафаккир ва давлат арбоби, амир ул-шорро (шоирлар амира) ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг «Девони Фойи» китобидан яқинда таржима қилганм — яна бир ғазалини азис муштарийлар эътиборига ҳавола этаман. Дилмурод САЙДОВ.

Улур мутафаккир ва давлат арбоби, амир ул-шорро (шоирлар амира) ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг «Девони Фойи» китобидан яқинда таржима қилганм — яна бир ғазалини азис муштарийлар эътиборига ҳавола этаман. Дилмурод САЙДОВ.

## ҒАЗАЛ

Нашаст мурғи ҳаёлат чу дар нашимани чашм,  
Аз он шудааст паридан ба жонибат фани чашм.  
Чу субх рўй кашиди дар абри тайран зулф,  
Ба шони ҳажри ту шуд тайра рўзи равшани чашм.  
Зи ашқи сурух баровард нолаҳо, лекин  
Гули чу рўйи ту ҳосия накарда гулшани чашм.  
Дуре ки рехт ва шоят шуд он қадар подош,  
Зи хоки пои ту к-омад даруни маҳзани чашм.  
Зи аини мардуми, эй нури дайда, сокин шав,  
Ба сони мардумани дайдам ба маскани чашм...  
Ба сад умед дайди нотавоно Фойибор  
Чи буд ҳасрати мингтон зи баъди бурдани чашм.  
ТАРКИМАСИ:  
Кўз уинга қўнбдур сенинг ҳаёинг қўни,  
Шу боис сен томоғга умюқ қўнминг мин.  
Зуфринг қаро булуту тоғдек юзюгинг ёнқор  
Ҳажринг шониди қолди қўннинг рўзи кечини.  
Қўли ёнқини унди лопалар, лек юзюндек  
Кўз саҳнида бўлмади насиб бир гул унқи.  
Дурлар тўнуб пойнига дурфинг лойиқи бўлди:  
Изиндин кўз уинга келиб тўғроқ тушини.  
Одамийлик айла-ю, эй қўннинг нури, кел,  
Қорачўқлардек макон бўсини қўннинг ичи...  
Оғз уинда юргучи нотавоно Фойи қилин —  
Юлғо қўнниг, шартинди кипригинг тие санчини,

## Қизлар дафтаридан

УНУТОЛМАЙСАН  
Кёё боқмай кетавегрин,  
Кетавегрин, кетавегрин.  
Мен ҳам сента эгар эмасман,  
Йўлинг давом этавегрин.  
Аммо ёдингдан чиқмасини,  
Сабринг кетганин тўйиб.  
Мухаббатдан сўз очганин  
Менга биринчи бўлиб.  
Майли, сен айтганча бўлсин,  
Юрак-бағри тошдайман.  
Қалб-қўнғиндан жой бермасанг,  
Қўларингда ашайман...

## ЙУҚЛАБ КЕЛАР БУЛСА...

Қўларингда ёниб битарди ҳижрон,  
Кипригингда синаиб кетарди армон.  
Осимонларга бошимни бўй етардим,  
Йўқлаб келар бўлса мени суйган жон.  
Мен кутмадим кутар бўлиб тоғ қолди,  
Тонг йилгади, келарда доғ қолди.  
Азоблардан гулларим-ей соғ қолди,  
Йўқлаб келар бўлса мени суйган жон.  
Ишқ — сайёду сайди бўлди бу юрак,  
Рўё ичра дайди бўлди бу юрак.  
Ўз жисминдин айри бўлди бу юрак,  
Йўқлаб келар бўлса мени суйган жон.

## БИР КЕЧА ЭРТАГИ

Мени этагидан қоқиб юборди,  
Кўнғининг ортидан югурган оқшом.  
Вужудини илиб киприklarига,  
Тун қўнқи айтди чаққилли мудоом.  
Озулар келарди майюс жийлашга,  
Ешланган қўзларин ийриб шендан.  
Исарга сўрайди сувилай армон,  
Менинг гўл ҳақлим — манглайи кендан.  
Кафтига тиксанлиб ишқ фоз олади,  
Соғинч ҳам ошқиб келар қолнига.  
Бир йилда ҳижрон сочини тасаро,  
Оғир чўкар азоб у ёнбошига.  
Араабал кетарди қўнминдан улқ,  
Тушларим — ўтинча ёрилмаган тош.  
Ва шу он лиммо-лими қабодларидан  
Маржондай тўқилди кетарди кўз ёш.  
Сўн... тонг келарди, ҳалоскор бўлиб!

Мени азобларга берганда бахтин,  
Бардошинг қўнғиндан силқитган жон.  
Қўлларга бўй чўзмай қўйса дарахтин,  
Қўнсин — сукуватдан қичқирар неси.  
Соғинчнинг сочлари оқарса қийос,  
Гуноҳлар бош этиб келса ўйим.  
Кўнғини, кўнғини бўлмасда аз,  
Мен сени чорлайман гағгинг тўйинга.  
Фалақини биргидан тўқилса қўн,  
Ойёсиз беҳаё халлар ёнсин.  
Юзюгини юганда минг йиллик кўз ёш,  
Нингҳон килинган кипригинг қонсин.  
Қисматинг қўзларни юмилар экан,  
Суйганини суйгандан этганда жудо.  
Суйқига оғ, ҳижронга сариқлик битган,  
Саробин ранг бермай яратган худо.

Мухайё УҚТАМХОН қилди.

## ҚОДИРИЙ ЖАМҒАРМАСИ

КЕИНИҒИ йилларда маънавий ноқалиш борасида қатор ҳайрли, кўзга қўринарли ишлар қилинди, ҳозирги кунда ҳам жадал амалга оширилмоқда. Аҳмад Исаяви, Амир Темур, Имом Бухорий, Алихонтўра Соғуний каби етук шахслар ҳақида ҳақиқатлар юзага чиқиб, уларнинг асарлари чоп этилмоқда. Чўлпон, Усмон Носир, Боту каби қатагон йилларнинг қурбонлари хотира-сига ҳозирги давр нуқтаи назаридан ҳалол ёндашилмоқда. Шундай кишиларимиздан бири, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий шайх ҳам, тарғи 50-йиллардаёқ ҳақиқат юзга чиққан бўлса-да, бутунги қундатна ўзининг ҳақиқий эътиборини топтоқда. Жумхуриятимиз пойтахтида Абдулла Қодирий номи унинг 95 йиллиги арафасида шоҳқўча, Юнусобод йўналишида қурълаган метро бекати қўриберилиди. Айни кунларда Қодирий бобомизнинг 100 йилликларини нишонлашга қизгин тайёргарлик ишлари кетмоқда. Шаҳардаги ноҳиялардан бирини у кишининг номи билан юритиш ва шу каби қатор хайрли тадбирлар белгиланган. Мазкур ишлардан бири — яқинда Абдулла Қодирий номдаги жумхурият вафқи (жамғармаси) ташкил қилинди. Мухбиримиз мазкур вақф-

нинг директор ўринбосари Руслан НОСИРОВ билан суҳбатлади.  
— Қодирий номини абадийлаштириш ишларидан бормузей яратиш, у отилган жойини эвраттоҳга айлантириш каби тадбирлар белгиланган. Ушбу ишларнинг маълум мудоатти, аниқ жойлар борми?  
— Бомузей Абдулла Қодирий яшаган ҳовли — Тошкент шаҳри Самарқанд дарбоза кўча, Термиз тунг кўчаси 35, 37-уйларида ташкил қилинмоқчи. Бу ҳақда яқин кунларда ҳукумат қарори қабул қилиниши керак. Лойиҳа тайёрланган.  
Қодирий отилган жой Юнусобод даҳаси Оқтепа мазеида Абдул Қосим мадрасаси раҳбарини томонидан, у билан ҳамкорликда эвраттоҳ ташкил этиш ишлари режалаштирилди. Бу иш юзасидан ҳасом лойиҳа тайёр. Ҳозирги ҳасом-китобларга кўра 5 миллион сўм маблағ керак. Мазкур эвраттоҳ 1994 йил — Қодирийнинг 100 йиллик маърақаси арафасида битиши режалаштирилган.  
— Қодирий ижодий меросини жаҳонга тарқатиш режалаштирилди. Ушбу тадбирга ҳориздаги ватаандорларимиздан қимлар ЖАЛБ ЭТИЛГАН?  
— Қодирий асарларини ҳоризга ёйиш, чет мамла-

Суҳбатдош  
Д. ЭГАМБЕРДИЕВ.





на ва ўчдир,  
истеъдод кучдир.  
ур, эл билган-чи —  
тил,  
«Муҳокаматул...»  
гарчи толибдир,  
ўзгир, толибдир:  
к устод меҳридин,  
или сеҳридин,  
удуғ мулкимиз,  
алии мунгимиз.  
Хуросон,  
иқ кезмас  
нотавон»,  
бойиб миннатдор,  
ри бешумор:  
гулини зинҳор,  
заманг бекор.  
бидиғ муқаддас,  
қилдигиз ҳавас.  
и юрингиз йироқ,  
қилдигиз чироқ.  
ани эҳсондур,  
ариб инсондур.  
ислатин мудом  
нгила этсин ком.  
қилдир замонда,  
иная давронда,  
ётар тескари,  
ар аксари.  
монинг турур,  
асал узатур.  
нат қилсанг,  
ун бора  
а ялагин чора.  
кичкики бир бор,  
булгансан дучор.  
ай берсанг шодон,  
қалаб қон.  
ичириб асал,  
саллаб захар.  
нг ақли деҳқонга,  
либ очур инсонга.  
қамдам, ҳамқаддам,  
мисоли Одам?  
гулчи деҳқондин,  
лиги деҳқондин.  
кичкики ҳамқаддам,  
шуклот ва ғам.  
ани муддао,  
қилдир адо.  
форсий забонда,  
мазкур девонда.  
ўт солдин жонга,  
ани девонга.  
сам кўргаймен,  
жаҳлон ургаймен.  
«Марҳабо,  
устоз!  
илмаймиз парвоз».  
қили тиклаб,  
ани очди лаб:  
набват мардуми  
оши дер у,  
ни олам лабшад  
ғам дар у».  
— яноти синган,  
— навжлари  
тинган.  
— оқиз,  
камдармон,  
ириносил инсон.  
р, олдуз сингари,  
а ромининг  
ханжари.  
с сурган чоғда от,  
тилади нажот.  
мида ва ният,  
иди васият:  
«ардуи пур  
ун андеша з-он-к,  
набат бар хирад  
муҳам дар у»<sup>10</sup>.  
ри олиб аланга,  
а ёшлар Ватанга!  
музаам оҳанг,  
га ҳамоҳанг.  
рми бир замон?  
ми ё жаҳон?  
бу савол ҳамон,  
кесмоқда даврон.  
м жафосилан ғам  
газалининг  
и.  
қуни: «Эй Фоний,  
ни (аҳволи)ни кўп  
да ақл ҳал қила  
хеч бир муаммо



● Суратда: истеъдодли рассом Темур Саъдуллаевнинг «Навоий ва Бехзод» асари. Сураткаш С. МАҲКАМОВ.

### ● Қизлар дафтаридан

#### УНУТОЛМАЙСАН

Қиё боқмай кетавергин,  
Кетавергин, кетавер.  
Мен ҳам сенга зор эмасман,  
Йўлинг давом этавер.  
Аммо ёдингдан чиқмасин,  
Сабринг кетганин тўлиб.  
Муҳаббатдан сўз очганин  
Менга биринчи бўлиб.  
Майли, сен айтганча бўлсин,  
Юрак-бағри тошдайман.  
Қалб-қўриғдан жой бермасанг,  
Кўзларингда яшайман...

#### ЙУҚЛАБ КЕЛАР БЎЛСА...

Кўзларингда ёниб битарди ҳижрон,  
Кипригинда синиб кетарди армон.  
Осмонларга бошимни бўй этардим,  
Йўқлаб келар бўлса мени суйган жон.  
Мен кутмадим, кутар бўлиб тоғ қолди,  
Тонг йиғлади, юзларида доғ қолди.  
Азоблардан гулларим-ей соғ қолди,  
Йўқлаб келар бўлса мени суйган жон.  
Ишқ-сайёду сайди бўлди бу юрак,  
Рўё ичра дайди бўлди бу юрак.  
Ўз жисмидин айри бўлди бу юрак,  
Йўқлаб келар бўлса мени суйган жон.

#### БИР КЕЧА ЭРТАГИ

Мени этагидан қоқиб юборди,  
Қуёшини ортидан югурган оқшом.  
Вужудимни илтиб киприklarига,  
Тун қўшиқ айтади чайқалиб мудом.  
Орзулар келади маънос жилмайиб,  
Ешлаган кўзларни яшириб мейдан.  
Ижара сўрайди сузилиб армон,  
Менинг гўр хаёлим — манглайи кендан.  
Кафгинга тикилиб ишқ фол очади,  
Соғинч ҳам ошиқиб келар қошиғига.  
Бир ёнида ҳижрон сочим тараса,  
Оғир чўқар азоб у ёнбошимга.  
Араалаб кетади кўзимдан уйқу,  
Тушларим — ўтинча ёрилмаган тош.  
Ва шу он лиммо-лим қаболларимдан  
Маржондай тўкилиб кетади кўз ёш.  
Сўғ... тонг келади, ҳалоскор бўлиб!

Мени азобларга берганда бахтим,  
Бардошнинг кўзидан силқиганда жон.  
Кўкларга бўй чўзмай қўйса дарахтим,  
Кўксим — сукуватдан қичқирад  
исён.

Соғинчининг сочлари оқарса қийғос,  
Гуноҳлар бош эгиб келса уйинга.  
Куйганим, куйганим бўлмаса-да оз,  
Мен сени чорлайман ғамгин тўйинга.  
Фалакнинг бығридан тўкилса қўёш,  
Ошмасиз беҳаё хаёллар ёнсин.  
Юзингни ювганда минг йиллик  
кўз ёш,

Нигоҳим илгинан кипригинг қонсин.  
Қисматнинг кўзлари юмилар экан,  
Суйганин суйгандан этганда жудо.  
Ишққа оқ, ҳижронга сариқлик битган,  
Саробин ранг бермай яратган худо.

Муҳайё УҚТАМХОН қизи.

#### ДЕЙДИЛАР...

ГОТУВ турмуш —  
узоқ умр.  
●  
Хотинлик рўзгор  
гуддир,  
Хотинсиз рўзгор чўддир.  
●  
Аёл ердан чиққан эмас,  
эркак боласи,  
Эркак кўкдан тушган эмас,  
аёл боласи.  
●  
Онаси мақтаган қизни  
олма,  
Янгаси мақтаган қиздан  
қолма.  
●  
Қизни ошиғига бер.  
●  
Еш йигитнинг кўзи билан  
қиз олма.  
●  
Муҳаббат дардининг  
табиби — маъшук.  
●  
Пардоз билан гўзаллик,  
бўйруқ билан севги ҳосил  
бўлмайди.  
●  
Тўловчи А. АЛИЕВ.

## «ТОПГАН ГУЛ...»

ХАЛҚИМИЗДА шундай ажойиб ва ибратли удум бор. Бу — тўйга тўёна билан бориш расми. Улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг 550 йиллик санаи муборақларини нишонламоқдамиз. Мазкур фараҳли маъракаи нафақат ўзбекдек бағри кенг, улкан халқ учун, балки барча туркийнавису форсий-забон, арабисону фаранггустор элу-элатлар учун ҳам катта тўй десак муболага бўлмас. Бу оламшумул тўйга ҳар бир эл, ҳар бир элат, ҳар бир қавму ҳар бир жамоа, ҳар бир оила ва ҳар бир инсон ўз холи қудрати баробарида тўёна билан келаётганлиги маълум. Белгиланган хайрли тадбирларни қайта-қайта санаб ўтириш ортиқча. Фақатгина бу йилги ўқув йилининг биринчи дарс соати жумҳуриятимизда «Алишер Навоий дарси» деб қайд этилиши ўзлигимиз сари дадил одимлаётганлигимизга яна бир далилдир. Шунингдек «Туркий назмда алам тортиб, бул мамлакатни яққалам этган» бобокалонимизнинг 550 йиллик маъракалари арафасида жумҳуриятимиз Мустақиллиги эълон қи-

линиши ҳам ушбу тўйга тўёнадир. Тўйга тўёна билан бориш халқимизга азалий одат, дедик. Аждодлар тўёна борасида: «Топган гул, топмаган бир боғ пиез келтирар», дейдилар. Мен ҳам миллионлар қаторида ўзимни Алишер Навоийнинг авлоди деб билман. Ва бу тўйга билан жуда фахрланамиз. Шу боис улуғ бобом тўйларида баҳоли қудрат ўз тўёнам билан иштирок этсам деган ниятда юрардим. Шу иштиёқ туфайли Алишер Навоийнинг форсийда битилган «Девони Фоний» куллиётидан бир неча ғазал ва рубоийларни ўзбек тилига ўғирдим. Тўғри, бу ишм улуғ денгиздан бир томчи қадардир. Аммо «тома-тома кўл бўлса» ажаб эмас...

Улуғ мутафаккир ва давлат арбоби, амир ул-шуаро (шоирлар амира) ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг «Девони Фоний» китобидан яқинда таржима қилганим — яна бир ғазални азиз муштарийлар эътиборига ҳавола этаман.

Дилмурод САИДОВ.

## АЛИШЕР НАВОИЙ. ҒАЗАЛ

Нашаст мурғи хаёлат чу дар нашимани чашм,  
Аз он шудааст паридан ба жонибат фани чашм.  
Чу субҳ рўй қашиди дар абри тийран зулф,  
Ба шони ҳажри ту шуд тийра рўзи равшани чашм.  
Зи ашқи сурух баровард лолаҳо, лекми  
Гули чу рўи ту ҳосил накарда гулшани чашм.  
Дуре ки рехт ва шоят шуд он қадар подош,  
Зи хоки пои ту к-омад даруни махзани чашм.  
Зи айни мардуми, эй нури дийда, сокин шав,  
Ба сони мардумани дийдаам ба маскани чашм...  
Ба сад умед дили нотавони Фонийро  
Чи буд хастани мижгон зи баъди бурдани чашм.  
ТАРЖИМАСИ:  
Кўз уйна қўнибдур сенинг хаёлинг қуши,  
Шу боис сен томонга учмоқ кўзимнинг иши.  
Зулфинг қаро булути тонгдек юзингни ёшқоч  
Ҳажринг шомда қолди кўзинг ёруғ кечмиши.  
Қонли ёшқини унди долалар, лек юзингдек  
Кўз саҳнида бўлмади насиб бир гул униши.  
Дурлар тўкиб пойинга лутфинг лойиҳа бўлди:  
Изингни кўз уйига келиб туфроқ тушиши.  
Одамийлик айла-ю, эй кўзимнинг нури, кел,  
Қорачўқлардек макон бўлсин кўзимнинг ичи...  
Юз умидда юргучи нотавон Фоний дилин —  
Олғоч кўзинг, шартинди кипригинг тег санчши,

## ҚОДИРИЙ ЖАМҒАРМАСИ

КЕИИНГИ йилларда маънавий юксалиш борасида қатор хайрли, кўзга қўринарли ишлар қилинди, ҳозирги кунда ҳам жадал амалга оширилмоқда. Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Имом Бухорий, Алихонтўра Соғуний каби етук шахслар ҳақида ҳақиқатлар юзага чиқиб, уларнинг асарлари чоп этилмоқда. Чўлпон, Усмон Носир, Боту каби қатагон йилларининг қурбонлари хотирасига ҳозирги давр нуқтаи назардан ҳалол ёндашилмоқда. Шундай кишиларимиздан бири, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий шахси ҳам, гарчи 50-йиллардаёқ ҳақиқат юзага чиққан бўлса-да, бугунги кундагина ўзининг ҳақиқий эътиборини топмоқда. Жумҳуриятимиз пойтахтида Абдулла Қодирий номи унинг 95 йиллиги арафасида шох-кўчага, Юнусобод йўналишида қурилаётган метро бекатига берилди. Айни кунларда Қодирий бобомизнинг 100 йилликларини нишонлашга қизгин тайёргарлик ишлари кетмоқда. Шаҳардаги ноҳиялардан бирини у кишининг номи билан юритиш ва шу каби қатор хайрли тадбирлар белгиланган. Мазкур ишлардан бири — яқинда Абдулла Қодирий номидаги жумҳурият ваффи (жамғармаси) ташкил қилинди. Мухбиримиз мазкур ваффи

нинг директор ўринбосари Руслан НОСИРОВ билан суҳбатлашди.  
— Қодирий номи абадийлаштириш ишларидан боғмузей яратиш, у отилган жойни зиёратгоҳга айлантириш каби тадбирлар белгиланган. Ушбу ишларнинг маълум мuddати, аниқ жойлари борми?  
— Боғ-музей Абдулла Қодирий яшаган ҳовли — Тошкент шаҳри Самарқанд дарбоза кўча, Термиз тор кўчаси 35, 37-уйларида ташкил қилинмоқчи. Бу ҳақда яқин кунларда ҳукумат қарори қабул қилиниши керак. Лойиҳа тайёрланган.  
Қодирий отилган жой Юнусобод даҳаси Оқтепа мавзеида Абул Қосим мадрасаси раҳбари томонидан, у билан ҳамкорликда зиёратгоҳ ташкил этиш ишлари режалаштирилди. Бу иш юзасидан ҳам лойиҳа тайёр. Ҳозирги ҳисоб-китобларга кўра 5 миллион сўм маблағ керак. Мазкур зиёратгоҳ 1994 йил — Қодирийнинг 100 йиллик маъракаси арафасида битиши режалаштирилган.  
— Қодирий ижодий меросини жаҳонга тарқатиш режалаштирилибди. Ушбу тадбирга ҳориждаги ватандошларимиздан кимлар ЖАЛБ ЭТИЛГАН?  
— Қодирий асарларини ҳорижга ёйиш, чет мамла-

катлардаги китобхонлар орасида тарғиб этиш ишларига туркиялик ватандошимиз Жўра қори Бўтакўз яқиндан ёрдам бераётдилар.  
— Яна икки ярим йилдан сўнг Қодирийнинг 100 йиллиги нишонланади. Унинг 95 йиллигига кўнгина режалар айтилганди. Жумладан, Абдулла Қодирийга Тошкент шаҳрида ҳайкал ўрнатиш. Бу тадбир қандай амалга оширилмоқда?  
— Абдулла Қодирий ҳайкалини яратиш учун жумҳурият маданият вазирлиги танлов ўтказишга ваъда берган. Бизнинг таҳминимизча, ҳайкал яратиладиган бўлса, Чорсу меҳмонхонаси атрофидаги ҳудудга ўрнатилса керак.  
— Яна нималарни қўшимча қила оласиз?  
— Биз Қодирий номидаги жумҳурият жамғармаси ташкил қилинганлиги ҳақида маълумот бергандик. Бундан мақсад — биргина Қодирийнигина эмас, балки қатагон қурбонларининг хотирасини абадийлаштириш ҳамдир. Жамғармамиз рақамини маълум қиламиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон саннат қурилиш банки қошидаги ОПУ МФО 729024, 700104-рақам. Абдулла Қодирий жамғармаси.  
Суҳбатдош  
Д. ЭГАМБЕРДИЕВ.





# КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ



## Душанба, 23

● УЗТВ I

- 18.00 Янгилликлар.  
18.10 «Кекса эртаки рубоилари». Мультфильм.  
18.20 Болалар учун концерт.  
18.50 «Истеъдод». Адабий кўрсатув.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
19.50 «Хоразм». Ҳужжатли фильм.  
20.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳамшаҳарлар».  
21.00 «Ахборот».  
21.25 Машраб Эрматов ижросида ўзбек классик ашуллари.  
22.00 Ж. Маҳмудов. «Адолат кун». А. Навоий номидаги Наманган вилояти мусикали театрининг спектакли.  
23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

- «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ  
19.05 «Ассалому алайкум» (такрор).  
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.  
20.10 «Шаҳар юмушлари».  
20.30 Москва. Информацион программа.  
21.10 «Кунботар олдидан». Фильм-спектакль.  
\* \* \*  
23.50 Хоккей. СССР чемпионати. «Химик»—МАСК. 2 ва 3 даврлар. Воскресенскдан олиб кўрсатилади.  
● МТ—ОРБИТА-4  
6.00 «Тонг».  
8.35 Янги авлод танлайди. «Экологик бумеранг».  
9.50 «Марюс». Телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия (Литва киностудияси).  
10.55 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари.

- Жазоир эртаги.  
11.00 Футбол шарҳи.  
11.30 ТСН.  
11.50 «Савдо растаси». Тижорат хабарлари.  
12.05 Давлат телерадиоси вокал-хор студияси П. И. Чайковский асарларини ижро этади.  
\* \* \*  
14.30 ТСН.  
14.40 «Ун олти шаҳардан келган ун олти қиз». Телевизион бадий фильм (Венгрия).  
15.50 «Агар сиз...».  
16.35 Болалар соати (француз тили дарси билан).  
17.35 «Ен дафтар».  
17.40 «Катталар учун контроль иш давом этади...». Давлат телерадиоси матбуот марказида «Эски танишларнинг оилавий хроникаси» ҳужжатли фильмлари туркумининг

- режиссёри С. И. Шаҳдан билан учрашув.  
18.00 ТСН.  
18.10 «Бозор: танлаш даври».  
18.50 Футбол шарҳи.  
19.20 «Марюс». Телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия.  
20.30 Информацион программа.  
21.10 Қора ва Урта Ер денгизи ҳаваси мамлакатлари халқларининг фольклор-этнография биринчи халқаро фестивал-ўйинининг очилиши. Сочидан кўрсатилади.  
23.55 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.  
00.10 А. А. Фетга бағишланган кўрсатув.  
01.15 «Марюс». Телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия.  
● АШХОБОД КЎРСАТАДИ  
17.00 Кўрсатувлар тартиби.

- 17.05 «Биз ашхободликлармиз». Марий ноҳиясидаги «Ашхобод» жамоа ҳўжалиги меҳнаткашлари ҳақида видеофильм.  
18.00 Янгилликлар.  
18.15 «Халқ ҳокимияти».  
18.55 Гараджаоғлан шеърлари.  
19.10 Болалар учун фильм. «Дўхтур Айболит».  
19.20 Махтумқули номли Туркман Давлат академик опера ва балет театри артистларининг концерти.  
19.55 «Туркменистон».  
20.10 Жичкинтойлар, сизлар учун!  
20.30 Москва. Информацион программа.  
21.10 «Туркменистон».  
21.30 «1991 йил ҳосили». Омад сизга, пахтакорлар!  
21.45 Мекан Нуриев куйлайди.  
22.10 «Жамол дарахти». Бадий фильм (рус тилида).

## Сешанба, 24

● УЗТВ I

- 8.00 «Ахборот».  
8.25 «Соғлом бўлай десангиз».  
8.35 «Сўғдиёна қизлари». Бадий фильм («Тожикифильм»)  
9.50 «Волга ёдгорликлари». Телефильм.  
10.00 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.  
\* \* \*  
18.00 Янгилликлар.  
18.10 «Экология». Телеальманах.  
18.50 «Қадрият».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
19.50 «Мақом». Фильм-концерт.  
20.20 Съездолди ўйлари. Ўзбекистон ёзувчиларининг X қурултойи олдидан.  
21.00 «Ахборот».  
21.25 «Спортлото».  
21.30 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Навоий ва мусиқа».

- 22.20 Ҳамид Фулом, Шеҳида Шоҳимардонова. «Муҳаббат навоси». Муқимий номидаги мусиқий театрининг спектакли.  
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

- Уқув кўрсатувлари  
10.30 Физика: Модда тузилишининг молекуляр кинетик назариси асослари.  
11.00 «Юрак операцияси». Телефильм.  
11.30 Математика. Натурал сонлар.  
\* \* \*  
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ  
19.05 «Қувноқ қадим ташлайлик». Болалар учун фильм.  
19.30 Спорт кўрсатувлари: 1. «Спринт». 2. Регби мусобақалари.  
20.30 Москва. Информацион программа.

- 21.10 «Бу оқшомда».  
23.10 Эстрада концерти.  
\* \* \*  
00.05 Футбол. Олимпия турнирининг саралаш матчи. СССР — Венгрия терма командалари. «Динамо» Марказий стадиондан олиб кўрсатилади.  
● МТ—ОРБИТА-4  
6.00 «Тонг».  
8.30 Болалар соати (француз тили дарси билан).  
9.30 «Марюс». Телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия.  
10.35 Давлат телерадиоси рус кўшиқлари академик хори «Финист-балалайка» рус халқ чолғулари ансамблининг концерти.  
11.30 ТСН.  
11.45 Биржа янгилликлари.  
\* \* \*  
13.45 «Телемикст».  
14.30 ТСН.

- 14.45 «Жала». Телевизион бадий фильм («Ўзбекфильм»)  
15.50 «Горница» (Москва) ансамбли ижро этади.  
16.05 Россия деҳқончилигининг тақдири ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси.  
16.35 Цирк! Цирк! Цирк! «Қувноқ масҳарабозлар».  
17.10 «Чемпионлар билан биргаликда».  
17.25 «Болалар мусиқий клуби».  
17.55 «Ен дафтар».  
18.00 ТСН.  
18.15 «Босқичлар».  
19.00 «Қизиқувчилар олами».  
19.15 Шеърят лаҳзалари.  
19.20 «Марюс». Телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия.  
20.30 Информацион программа.  
21.10 «Эски танишларнинг оилавий хроникаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Павел». 1 ва

- 2-сериялар. Танафус пайтида—Биржа янгилликлари.  
23.05 «Епископ Василий Родзянко билан суҳбатлар». 5-кўрсатув.  
23.30 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.  
23.45 «Мусиқий башорат».  
00.15 «Марюс». Телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия.  
● ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ  
17.45 Кўрсатувлар тартиби.  
17.50 «Навид».  
18.00 «Бог ва богдон».  
18.30 Ҳамкорликнинг янги уфқлари.  
19.00 «Новости».  
19.20 Н. Қаландаров куйлайди.  
20.00 «Ахборот».  
20.30 Москва. Информацион программа.  
21.10 Мирзо Турсунзода ва мусиқа.  
21.50 «Гаровга олинган киши». Бадий фильм (рус тилида).

## Чоршанба, 25

● УЗТВ I

- 8.00 «Ахборот».  
8.25 «Соғлом бўлай десангиз».  
8.35 «Ҳаётнинг бошламиши». Бадий фильм («Ўзбекфильм»)  
9.50 «Тоғда куз». Манзарали фильм.  
10.00 «Кичик корхоналарга — кенг йўл».  
\* \* \*  
18.00 Янгилликлар.  
18.10 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.  
18.30 «Кичкинтой» студияси кўрсатади. «Китобим — офтобим».  
19.00 «Тадбиркорлар».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
19.50 «Кафтдаги мусиқа». Телефильм.  
20.00 «Театр ва замон».  
21.00 «Ахборот».  
21.25 «Қамолат сари». Уктам

- Яҳёев, Гулсара Абдураҳмонова.  
22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!» Кўрсатув ва концерт.  
23.00 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Фарҳод ва Ширин» дostonи ҳақида.  
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

- Уқув кўрсатувлари  
10.30 Биология. Яшаш учун кураш.  
11.00 «Кубачин тўйлари». Телефильм.  
11.30 Кимё. Оддий моддаларнинг тузилиши. Аллотропия.  
\* \* \*  
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ  
19.05 «Уй ажиниси ва бекаси». Мультфильм.  
19.15 «Цирк! Цирк! Цирк!».  
20.00 «Пульс». Хабарлар.  
20.10 «Ишбилармон кишилар

- учрашуви». Биржалар конгресси.  
20.30 Москва. Информацион программа.  
21.10 Гитара оҳанглари.  
21.40 «Киноингоҳ».  
● МТ—ОРБИТА-4  
6.00 «Тонг».  
8.35 «Чемпионлар билан биргаликда».  
8.50 «Болалар мусиқий клуби».  
9.20 «Эски танишларнинг оилавий хроникаси». Телевизион ҳужжатли фильм. «Павел». 1 ва 2-сериялар.  
11.00 «Тверь тупроғида беш кун».  
11.30 ТСН.  
11.45 Менеджерлар мактаби.  
\* \* \*  
14.30 ТСН.  
14.40 «Денгиз захматкашлари». Уч серияли телевизион бадий фильм. 1-серия («Грузия-фильм», «Антенн-2» ҳамда «Патэ синема» (Франция) биргаликдаги маҳсулоти).

- 15.45 Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестри яққохонлари кватрети ижро этади.  
16.10 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).  
17.10 «Ен дафтар».  
17.15 «Планета».  
18.00 ТСН.  
18.15 «Ковбойлар». Мультфильм.  
18.40 «Қайтиш». Чет элларда яшовчи ватандошларимиз томонидан санъат асарларини Рус музейига қайтарилиши ҳақида.  
19.10 «Кинопанорама».  
20.30 Информацион программа.  
21.10 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. СССР—Венгрия терма командалари. В. И. Ленин номи Марказий стадиондан олиб кўрсатилади.  
23.00 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.

- 23.15 Композитор Д. Шостакович туғилган кунининг 85 йиллигига. 7-симфония. Москва Давлат филармонияси симфоник оркестри ҳамда ўсмирлар оркестри ижро этади. Дирижёр — Р. Баршай. Лейпцигдан кўрсатилади.  
● ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ  
18.00 Кўрсатувлар тартиби.  
18.05 «Навид».  
18.15 Болалар учун концерт.  
18.35 «Рус тилида сўзлашамиз».  
19.00 «Новости».  
19.20 «Телевидение ва томошабин».  
20.00 «Ахборот».  
20.30 Москва. Информацион программа.  
21.10 Эстрада куйларидан концерт.  
21.50 «Ҳаёти деҳот». Телеойнома.  
22.40 «Ялмоғиз». Бадий фильм.

## Пайшанба, 26

● УЗТВ I

- 8.00 «Ахборот».  
8.25 «Соғлом бўлай десангиз».  
8.35 УЗТВ хазинасидан. «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт.  
9.00 «Табнат — ҳаёт чашмаси». Кинопрограмма.  
10.00 «Бунёдкор».  
\* \* \*  
18.00 Янгилликлар.

- 18.10 «Қайсар қўбича». Мультфильм.  
18.25 «Алифбо сабоқлари». II босқич.  
19.00 «Элга хизмат: талаб ва тақлиф».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
19.50 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...  
20.05 Лапарлар ва ҳазил кўшиқлари.  
20.45 «Этюд». Телефильм.  
21.00 «Ахборот».

- 21.25 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Навоий гулшани».  
22.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Чархпалак» ёки «Бахтингдан кўр». Оилавий кўрсатув.  
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.  
● УЗТВ II  
Уқув кўрсатувлари  
10.30 Ботаника. Усимликларнинг одам ҳаётидаги ва табнатдаги аҳамияти.

- 11.00 «Қўриқхона масофаси». Телефильм.  
11.30 Табиатшунослик. Табиатий нима учун ўрганамиз!  
\* \* \*  
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ  
19.05 «Ҳинд киноси юлдузлари».  
19.45 Регби. СССР чемпионати. «Звезда» (Тошкент) — КПИ (Киев).  
20.30 Москва. Информацион программа.  
21.10 «Бу оқшомда».

- МТ—ОРБИТА-4  
6.00 «Тонг».  
8.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).  
9.30 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. СССР—Венгрия терма командалари.  
11.30 ТСН.  
11.45 ИИБ маълумотларига кўра...  
12.00 Ишчан чопар.





# КЎРЯТ, ТОМОША ҚИЛЯТ



13.45 «Телемикст».  
14.30 ТСН.  
14.45 «Денгиз заҳматкашлари». Уч серияли телевизион бадий фильм. 2-серия.  
15.50 Мультфильмлар.  
16.20 «Биржа учувчиси».  
16.30 И.С. Бах. Соль мажор 3-бранденбургча концерт.  
16.45 Хужжатли фильм.  
17.10 «Ен дафтар».

17.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».  
18.00 ТСН.  
18.15 «Мансаб ибтидоси».  
18.30 ИИБ маълумотларига кўра...  
18.45 МТ экранда биринчи марта. «Мэри Дизэр»нинг ҳалокати». Бадий фильм (АҚШ).  
20.30 Информацион программа.

21.10 «Эфирда мусиқа». 1 ва 2-қисмлар.  
23.10 «Епископ Василий Родзянко билан суҳбатлар». 6-кўрсатуви.  
23.30 ТСН.  
23.45 МТ экранда биринчи марта. «Мэри Дизэр»нинг ҳалокати». Бадий фильм.  
● АШХОБОД КЎРСАТАДИ  
17.00 Кўрсатувлар тартиби.

17.05 Иқтисодий: ҳафтадан ҳафтагача.  
17.55 «Муқом дарахти». Телефильм.  
18.05 Янгилликлар.  
18.15 Кичкинтойлар саломатлиги.  
18.45 «Муносабат».  
19.25 «Ижобий қаҳрамонни излаб».  
19.55 «Туркменистон».  
20.10 Кичкинтойлар, сизлар учун!

20.30 Москва. Информацион программа.  
21.10 «Туркменистон».  
21.30 «1991 йил ҳосили». Омад сизга, пахтакорлар!  
21.45 Давлат телерадиоси халқ чолғулари ансамблининг концерти.  
22.30 Ҳинд кинофильмларидан кўшиқлар.  
23.00 «Туркмен сесни». Телеойнома.

## Жума, 27

● УзТВ I

8.00 «Ахборот».  
8.25 «Соғлом бўлай десангиз».  
8.35 УзТВ хазинасидан. «Шарқ ёдгорликлари». Хужжатли фильм.  
9.00 «Саёҳат—танга роҳат».  
9.45 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Нишона».  
\*\*\*  
18.00 Янгилликлар.  
18.10 «Ғаройиб ҳодисалар». Мультфильм.  
18.20 «Бу сирли олам».  
19.00 «Депутат ва ҳаёт».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
19.50 «Ғилош». Телефильм.  
20.00 «Хорманг, пахтакорлар!».  
Кўрсатуви ва концерт.  
21.00 «Ахборот».

21.25 «Танбур наволари». Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдумутал Абдуллаев.  
22.05 «Нигоҳ». Бадий фильм («Тошкентфильм»)  
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.  
● УзТВ II  
Уқув кўрсатувлари  
10.30 «Петропавловски», «Аннаев йиғитлари». Хужжатли фильмлар.  
11.30 Мактабгача тарбия масалалари.  
\*\*\*  
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ  
19.05 «Уолт Дисней таништирадими...». Мультфильмлар тўплами.  
20.00 «Пульс». Хабарлар.

20.10 «Дарахт кўшиғини тинглаб». Телефильм.  
20.30 Москва. Информацион программа.  
21.10 «Кинонигоҳ».  
\*  
00.10 Футбол. СССР чемпионати. «Локомотив» — МАСК. 2-тайм. «Локомотив» Марказий стадионидан кўрсатилди.  
● МТ—ОРБИТА-4  
6.00 «Тонг».  
8.30 Инновация.  
8.45 «Кўҳна маёқ ҳақида афсона». Мультфильм.  
9.05 «Мэри Дизэр»нинг ҳалокати». Бадий фильм.  
10.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».  
11.30 ТСН.

14.30 ТСН.  
14.45 «Денгиз заҳматкашлари». Уч серияли телевизион бадий фильм. 3-серия.  
15.55 «Ғолиблар».  
16.55 «Юз йилликлар...». Телевизион хужжатли фильм премьераси («Союзтелефильм»)  
17.25 Биржа янгилликлари.  
17.55 «Ен дафтар».  
18.00 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.  
18.15 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал.  
19.00 «Шерик».  
19.30 «ВИД». таништиради: «Мўъжизалар майдони».  
20.30 Информацион программа.  
21.10 «ВИД» таништиради:

«13—31», «Дело», «Эркак ва аёл оила, озодлик ва севги ҳақида», «Музобоз», «Александр Малинин зиёфати».  
00.25 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.  
● ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ  
17.45 Кўрсатувлар тартиби.  
17.50 «Навид».  
18.00 «Чашмандос». Янги фильмлар ҳақида.  
19.00 «Новости».  
19.20 «Гулшани адаб».  
20.00 «Ахборот».  
20.30 Москва. Информацион программа.  
21.10 «Негатив». Танқидий кўрсатуви.  
21.40 Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Сурайё Қосимова куйлайди.  
22.30 «Кумуш кўл афсонаси». Бадий фильм.

## Шанба, 28

● УзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».  
\*  
9.00 «Суюнчи». Бадий фильм («Узбекфильм»)  
10.15 «Узбекистон спорти».  
11.00 Араб тили. 14-машғулот.  
11.30 «Қизил Яримой шуъласи».  
12.00 «Хужжатли экран».  
12.45 «Чорраҳа».  
13.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ шартлари».  
14.25 Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-назарий конференцияси.  
\*\*\*  
17.00 Футбол. СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Шахтёр» [Донецк]. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилди. Танаффус пайтида — Мультфильм.  
18.50 Абдурауф ва Рустам Олимовлар концерти.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
19.50 «Энсей дарёси бўйлаб». Телефильм.  
20.00 «Режисметовлар сулоласи». Кинокўрсатуви.  
21.00 «Ҳафтанома».

22.00 Узбек куйларидан концерт.  
22.50 «Алишер Навоий». Бадий фильм («Узбекфильм»)  
00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.  
● УзТВ II  
УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ  
9.00 УзТВ хазинасидан. «Муножот». Фильм-концерт.  
9.40 «Навоий». Бадий-публицистик кўрсатуви (рус тилида).  
10.40 «Сўнги ташриф». Бадий фильм [Рига киностудияси].  
11.50 «Замандас» [қозоқ тилида].  
\*  
12.50 «Узбекистон машинасозлиги» (рус тилида).  
\*\*\*  
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ  
18.00 Футбол. СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Шахтёр» [Донецк]. 2-тайм [рус тилида].  
18.50 «Спринт».  
\*  
УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ  
19.05 «Безнен мирас» [татар тилида].

20.10 «Меҳр-шафқатли бўлайлик».  
20.30 Москва. Информацион программа.  
21.10 «Садон дил» ансамблининг концерти.  
22.10 «Дўстлик экран».  
23.10 «Омолондаги шиғоҳона». Телефильм.  
\*  
23.30 Футбол. СССР чемпионати. «Динамо» [Киев] — «Динамо» [Минск]. 2-тайм.  
● МТ—ОРБИТА-4  
7.30 Ритмик гимнастика.  
8.00 ТСН.  
8.20 «Улкан, зимистон ўрмонда». Телевизион хужжатли фильм премьераси (Тбилиси).  
8.45 «Здоровье».  
9.15 «Ҳайвонот оламида».  
10.00 Тонгги дам олиш кўрсатуви.  
10.30 Режиссёр А. Белинский фильмлари. «Телбаннинг эзизмалари» (Санкт-Петербург телевидение студияси).  
11.40 «Бурда моден» таклиф этади...  
12.25 «Мангу муҳаббатга сазовор мамлакат. Москва Кремли». 4-фильм—«Кремль Катта саройи».  
13.00 «Иқтисодий агентлик».  
14.25 ТСН.

14.35 «Сухов-Кобилин иши». Кўп серияли телевизион фильми таништирилади («Союзтелефильм»)  
15.20 Россия ёзувчиларининг съезди ҳақида.  
15.50 Оилавий экран. «Меросхўр». Бадий фильм («Мосфильм»)  
17.30 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатуви.  
18.30 «Майя арисси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 14-серия.  
18.55 МТ экранда биринчи марта. «Аёллар кийимини тикувчи». Бадий фильм («Фора-фильм» студияси).  
20.30 Информацион программа.  
21.10 «Ретро» студияси.  
22.10 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати. Германиядан кўрсатилди.  
22.55 «Европа плюс».  
23.55 «Астра» таништиради: «У ҳаммани кечирди». Россиянинг сўнги императори ва унинг оиласи ҳаёти ҳақида.  
00.55 МТ экранда биринчи марта. «Аёллар кийимини тикувчи». Бадий фильм.  
● АШХОБОД КЎРСАТАДИ  
10.35 «Одалар менга кўшиқ ҳада этишди». Телефильм.

11.05 «Чашмалар». Адабий кўрсатуви.  
11.55 Кичкинтойлар саломатлиги.  
12.25 Қирғизистон телевидениесининг кўрсатувлари.  
13.10 «Оба дурмуши». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатуви.  
14.10 «Туркман тилини ўрганамиз».  
14.35 «Менин оркестрим — «Сакс-хорус». Телефильм.  
\*\*\*  
17.00 Кўрсатувлар тартиби.  
17.05 Туркменистонда хизмат кўрсатган артист Ҳабиб Мамедов билан суҳбат.  
17.45 «Болалар заставаси». Телефильм.  
18.05 Янгилликлар.  
18.15 «Спорт канали». Ахборотдам олиш кўрсатуви.  
19.10 «Чашмалар».  
19.55 «Туркменистон».  
20.10 Кичкинтойлар, сизлар учун.  
20.30 Москва. Информацион программа.  
21.10 «Туркменистон».  
21.30 «1991 йил ҳосили». Омад сизга, пахтакорлар!  
21.45 Дутор оҳанглари.  
22.00 «Ертиқулоқ». Ҳажвий телеойнома.  
22.30 «Ошиқ Ғариб». Бадий фильм.

## Якшанба, 29

● УзТВ I

8.00 «Ҳафтанома» [такрор].  
\*  
9.00 «Улугбек хазинаси». Бадий фильм («Узбекфильм»)  
10.35 Инглиз тили.  
11.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Уйла, изла, топ!».  
12.05 «Узбекистон — Ватаниманим». Адабий кўрсатуви.  
12.35 «Ешлик» студияси кўрсатади. Одобрнома мавзуга бағишланган видеоканал.  
\*\*\*  
18.00 «Жасур йиғит». Мультфильм.  
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Кўшигим, жон кўшигим».  
19.00 «Шифокор қасамёди».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
19.45 «Узбекистон машинасозлиги».  
20.20 «Якшанба оқшомидан».


Мусиқий кўрсатуви.  
21.00 «Ахборот».  
21.25 АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 550 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ КЕЧА ВА САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ. Халқаро Дўстлиги саройидан олиб кўрсатилди (ёзиб олинган).  
00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.  
● УзТВ II  
УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ  
9.00 «Умид» (уйғур тилида).  
10.00 «Бурч» кўрсатуви.  
11.00 «Қайсар қизнинг куйилиши». Бадий фильм [рус тилида].  
12.25 Шоир Зоҳиджон Обидов ижодида бағишланган кўрсатуви.  
\*\*\*

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ  
19.05 «Ижод саҳифалари». Қримтатар маърифатчиси Исмомил Гаспирали.  
20.30 Москва. Информацион программа.  
21.10 «Қимизхона» [қозоқ тилида].  
● МТ—ОРБИТА-4  
7.30 Ритмик гимнастика.  
8.00 ТСН.  
8.20 «Спортлото» тиражи.  
8.35 «Сиз яратган бог».  
8.50 «Эрте сахарлаб».  
9.35 «Ватан хизматида».  
10.35 «Тонг юлдузи».  
11.35 «Саёҳатчилар клуби».  
12.35 «Қишлоқ янгилликлари».  
13.35 «Газсановати» концерни. Хужжатли фильм.  
13.45 «Сиз бунга қодирсиз».  
14.30 ТСН.  
14.45 «Большой» Америкада.  
15.15 «Ер—она масканимиз». Фототанлов.

15.20 «Рок-сабоқ».  
16.20 «Павловодаги овлар». Телевизион хужжатли фильм премьераси («Союзтелефильм»)  
16.50 «Халқаро панорама».  
17.35 Турли мамлакатларнинг эртақлари ва афсоналари. Конго эртаги.  
17.40 «Уолт Дисней таништиради...».  
18.30 В. Леонтьев куйлайди.  
19.10 «Сухов-Кобилин иши». Телевизион бадий фильм премьераси. 1-фильм. 1-серия.  
20.30 Информацион программа.  
21.10 «Брэйв ринг». Усмирлар турнири. Муром ва Самара командаларининг учрашуви.  
21.55 Телевизион спорт оқшомидан.  
23.20 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати. Германиядан кўрсатилди.  
00.10 Гандбол. СССР чемпио-

нати. Тур яқунлари.  
00.40 «—1» мусиқий клуби.  
● ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ  
9.00 «Сапеда».  
10.05 Болалар учун. «Яхши дегани нима!».  
10.45 «Дунёи варзиш». Спорт кўрсатуви.  
11.15 «Сўнги ташриф». Бадий фильм [рус тилида].  
\*\*\*  
17.05 Кўрсатувлар тартиби.  
17.10 «Навид».  
17.20 «Овчилар залида аёллар столи». Жамбул вилояти драма театрининг спектакли.  
19.20 «Гули бодом». Еш шоирлар иштирокида кўрсатуви.  
20.00 «Ахборот».  
20.30 Москва. Информацион программа.  
21.10 «Пайванд». Бунафша ва Довуд куйлайди.  
22.00 «Тажмарда». Телеспектакль премьераси.  
22.50 «Телетомошани ҳамроҳи».





# ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

А Н Ж И Р

БУНДАН бир неча йил муқаддам Абдурашид деган дўстимиз билан Бурчмулло яқинидаги Юсуфхона деган қишлоқда учрашиб қолдик. У, уйга юринг, деб обдон қистади. Йўқ, дейладим. Хонадонга киришимиз билан бир нуруний қария бизни кутиб олди. Саидбобо Абдурашиднинг қайноталари экан. Бир пиёла чай устида суҳбат аж олди. Гап дастурхондаги анжир ва анордан чиқиб кетди.



— ОЛДИНГДАН оққан сувнинг қадри йўқ, деганлари рост,— дедилар Саидбобо,— одамларимиз чиндан ҳам бефарқлар. Мана, сиз, мазам йўқ, қулогим шангиллайди, дейсиз. Менинг гапларимни илб олдинг ва мен айтгандек иш тутинг: бугун сизга бир халта мана шу анжирдан бериб юбораман. Уйга боргач, икки дона анжирнинг сувини пиёлага сиқасиз. Яна бир ўсимлик бераман. Унинг номи хантал. Сизларнинг тилингизда горжиса дейилади. Уни алоҳида сирли идишда қайнатасиз. Кўпиги чиқади. Уша кўпикдан икки-уч қошигини боя сиқилган шарбатга аралаштирасиз. Пиёланинг оғзини дока билан ўраб, озода ерга қўйиб қўясиз. Ҳар кунни ўша аралашмадан қулогингизга икки-уч томчидан томизасиз. Бир ҳафтадан сўнг менга ахборот бѳрасиз.

...Сафардан қайтгач, отанинг айтганларини бажо келтирдим. Орадан 5—6 кун ўтди. Е табба! Узоқ муддатдан буѳн кўнгилни хира қилиб юрган ўнг қулогимнинг шангиллаши таққр тўхтади. Келгуси дам олиш кунни хурсанд бўлиб Саидбобо хузурларига йўл олдим. Ота боғ оралаб юрган эканлар, жилмайиб кутиб олдилар-да, «Қалай?» дедилар. Бош бармоғимни ғоз қилиб кўрсатдим.

У қўлимдан тутиб, азим туп анжир олдиға етаклаб бордилар:

— Бунинг отини кадота, дейдилар. Анжирнинг хўрози шу. Билиб олинг, анжир қадим-қадимлардан буѳн шифобахш мева сифатида ишлатиб келинган. У жигар, талоқ ва ўпка шамоллашларида жуда асқотади. У, ҳатто, қорақурт ва чаѳиларнинг захрини ҳам кесади. Бу — менинг гапим эмас: Ибн Сино шундай дейди. Унинг барғи қайнатмасига бош ювилса, соч тўкилиши тўхтади. Тутканок, асаб ва ичак касалликларига учраган кишилар анжир билан «дўст тутинса», ўша анжир уни бало-қазодан асрайди.

— Раҳмат, бобо,— дедим отанинг ниғоҳини шундоқ ѳнгинамизда ўсиб турган анор дарахтига қаратиб,— мана бу неъмат ҳақида ҳам гапириб беринг...



А Н О Р

— БУ анорнинг «Оқдона» нави. Уни одамлар туятиши деб ҳам атайдилар. Анорда ҳам ҳикмат кўп,— дедилар ота бироз ҳаѳл суриб,— боя айтганимдек, ибн Сино анор пўстлогидан қон қусишга, милк ва ичакдан қон кетишига қарши восита сифатида фойдаланган. Устози аълам анор пўстлогидан тайѳрланган қайнатма ѳрдамида ичбуруғ касалликларини ҳам даволаган. Менинг отам раҳматлик ҳам яхшигина табиб бўлганлар. У киши анорнинг доналарини ва меваси пўстлогини жуда қадрлар эдилар. Қўтир, йўтал, сариқ касалликларига қарши анор ишлатдилар. Баъзилар лавша бўлса бизникига, отамга кўрингани келишарди. Мен сизга бир маслаҳат берай: анор, беҳи, олма, лимон, отқулоқ, ошқовоқ, нилуфар ва кашничдан тенг миқдорда олиб қайнатиб, куюқ шарбат тайѳрлайсиз. Ундан кунига оч қоринга бир қашикдан истеъмол этиб юрсангиз доим ниҳоятда бардам бўласиз... Яна шуни айтايки,— дедилар ота айѳрона кулиб,— келин ҳам бошингиздан минг ўргиладиган бўлиб қолади...

Отанинг кулгисига мен ҳам қўшилдим.

...ОРАДАН неча йиллар ўтди. Саидбобонинг ажойиб маслаҳатларини ўшанда яхшиям ѳн дафтаримга битиб қўйган эканман. Уша суҳбатдан бугун муштарийларни баҳраманд этишга мушарраф бўлдим. Саидбобо билан қилинган бошқа суҳбатлар хусусида янаги сафар гаплашамиз...

Суҳбатдош Р. УМАРОВ.

● Тошкентда сайроқ қушлар, хонаки товуқлар, ғозлар ва ўрдақлар, шунингдек, йиртқич қушларнинг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда қушларнинг юздан ортиқ тури намоиш қилинди.

Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар.  
Сураткаш Р. АЛЬБЕКОВ.



## ГАП ЭГАСИНИ ТОПАДИ



Унда ҳеч ким йўқ, МЕҲМОНГА КЕТИШГАН

## АЛОҲИДА ЎҚИШМОҚДА

Оҳангарон шаҳридаги Алишер Навоий номли 1-ўрта мактаб ўқитувчилар жамоаси ўғил болалар ва қизларни алоҳида синфларда ўқитиш тарбия, билим ва миллийликни шакллантиришга ѳрдам беради, деб ҳисобламоқда. Шунинг учун ҳам бу йил 1 сентябрдан бошлаб синов тариқасида учта биринчи синфнинг биттасига фақат қизлар, иккинчисига эса ўғил болалар қабул қилинди. Учтинчиси одатдагидек, аралаш синф бўлди. Йил охирида синов натижалари ўрганиб чиқилиб, бу усулнинг қайси бири самарали бўлса шуниси танлаб олинади ва ривожлантирилади.

З. ЭРАЛИЕВА.

Муҳаррир  
Н. НАСИМОВ.

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ


## ЮҚОРИ БАҲО ОЛГАН РАСМ

Орол денгизи фожиаси ижодкорларни ҳам жиддий ўйлантириб, гоят таъсирчан асарлар яратишга ундамоқда. Еш рассомлар ижодида бу долзарб мавзу ўз бадий ифодасини топмоқда.

Умидли рассом Ф. Паттохов ўзининг диплом иши учун атайин Орол мавзусини танлади. У яратган полотнода Орол ҳудудидаги танг экологик вазият, одамларнинг фожиали тақдирини ўзига ҳос бадий композицион тасвирларда акс эттирилди.

Шунинг учун ҳам М. Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат олийгоҳи бадий куллиѳетида ўтган диплом ҳимоясида бу асар юқори баҳоланди. Еш санъаткор мазкур диплом ишини таниқли рассом Н. Қўзибоев раҳбарлигида тайѳрлади.

С. ОДИЛОВА.



— Ия, идора ходимлари ишлаяптими, курувчиларимиз қани?  
— Кооперативга ўтиб кетишди.

Ўқитувчилар: — Ота-она айбдор.  
Ота-она: — Мактаб айбдор.  
А. ҲАКИМОВ чизган расмлар.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОИДА

1 ва 2 октябрь соат 19.00 да

Ўзбекистон днѳрида илк бор  
Ҳиндистон санъат усталарининг

### КАТТА КОНЦЕРТИ

Бутун дунѳда машҳур «РАНИАНИ» ҲИНДИСТОН ХАЛҚ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ  
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БОБОМУРОД ХАМДАМОВ ИШТИРОКИДА  
ТЕАТРАЛАШГАН ТОМОШАЛАР НАМОИШИ ҚИЛИНАДИ  
Программани — Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.